

## ЛЮДВИГ ВАН БЕТХОВЕННИНГ КЛАВИР ИЖОДИ. «ПАТЕТИК СОНАТА» (ОП.12 ДО МИНОР № 8) АСАРИНИНГ МУСИҚИЙ- НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

**Хусайнова Наргиза Ашуревна**

*(Бухоро ихтисослаштирилган  
санъат мактаби ўқитувчиси)*

**Аннотация:** Мазкур мақолада Людвиг ван Бетховеннинг клавир ижодига тавсиф, жаҳон мусиқаси меъросидан муносаб жой эгаллаган машҳур «Патетик соната» (оп.12 до минор № 8) асарининг мусиқий- назарий таҳлили ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** композитор, клавир, классик мактаб, «Патетик соната», рондо, Алле́гро, рефрен, эпизод.

Буюк немис композитори, Вена классик мактабининг ёрқин намояндаси-Людвиг ван Бетховен жаҳон мусиқаси тарихида XVIII аср инқилобий-демократик ғояларни, халқнинг озодлиги, ватанпарварлик мавзусини мусиқада энг ёрқин ифодалаган ижодкорлардан биридир.

Людвиг ван Бетховен ижодида классик мусиқа ўзининг етук чуққисига эришди. XVIII аср охири инсонларнинг озодлиги, тенглиги ва қардошлигини шиор қилган француз инқилоби воқеалари тенгдоши Людвиг ван Бетховен ўз мусиқасида ўзгаришларнинг ижодкори халқ эканлигини курсатиб бера олди. Мусиқасида халқнинг қахрамонона интилишлари биринчи марта юкори даражада шунчалар қудрат билан ифодаланди. Инқилоб ғоясига у бутун ҳаёти давомида содик булиб қолди.

Композитор жаҳон мусиқа санъатидаги барча илғор ва прогрессив воқеаларга ўта сезирлик билан муносабатда бўлди. Бетховен ижод этган асарларида – улкан куч ва мислсиз даражада кенг кўламлилик, интилувчанлик ва шиддат, озодлик сари интилиш, кураш, қахрамонлик, ватанпарварлик, буларнинг ҳаммаси ажойиб эҳтирос, нафислик ва гўзаллик билан тараннум этилди.

Бетховен дунё келажагига ишонч билан қараш, абадий ҳаётий юксак мақсадлар- онг ва гузаллик ғалабасига ишонч каби мавзулар бутун яратган асарлари давомида қизил ип сингари бирлашиб кетган. Ҳаёт моҳиятини излаш, шахснинг мураккаб ички дунёсини тушуниб етишга интилиш, эзгулик ва ёвузлик мавзуси ва халқ ҳаётининг ёрқин кўринишлари- буларнинг ҳаммаси буюк санъаткорнинг диққат марказида бўлди.

Людвиг ван Бетховеннинг «Патетик соната»си (оп.12 до минор № 8) 1798 йилда ёзилган. Бетховеннинг ўзи бу сонатага «Катта патетик соната» сарлавҳасини қўйди, бу билан унинг кўтаринки ва юкори даражадаги(юнонча-пафос) кайфиятига ишора қилинган эди. Сонатада театр таассуротли ва ўзига

жалб қилувчи патетик хитоблар, зулматли диалоглар жуда ёрқин ва таъсирли садоланади.

Бутун соната уч қисмдан иборат.

Биринчи қисм – соната аллегроси шаклида ёзилган. Сонатанинг биринчи қисми оғир аккордли тантанавор мавзу билан садоланадиган улуғвор, вазмин муқаддимасидан бошланган. Қуйидан юқори регистрга аста- секин харакатланувчи қудратли овоз оқими мардонавор тарзда таъсирчан садоланади.

Муқаддима мавзуси асосида соната аллегроси ва финалнинг бутун тематизми ўсиб чиқади ва ривожлантирилади.

Сонатанинг иккинчи қисми- адажио кантабиле – Бетховен сонаталарининг вазмин қисмларига хос бўлган хотиржамликнинг юксак даражасини ифодалайди, унинг асосий мазмуни курашдаги қаҳрамонликдир. Оҳиста аккомпонимент остида садоланувчи олийжаноб ва улуғвор куй Бетховен лирикасининг энг яхши намуналари қаторидан жой олган.

Учинчи қисм. Рондо. Аллегро. Асарнинг финали қатъий, бир хилдаги сокин ритмда садоланувчи, эркин оқиб келаётган куйи билан тингловчиларни мафтун қиласди.

Финал рондо-соната шаклида, до минор тоналлигига ёзилган.

Финалнинг интилувчан, хаяжонли мусиқаси кўпинча уни сонатанинг биринчи қисмiga яқинлаштиради. Асосий тоналлик – до минор ҳам қайтиб келади. Лекин бу ерда биринчи қисмга хос бўлган мардонавор, ифодали кайфият йуқ. Финалда мавзулар ўртасидаги кескин қарама-қаршилик «кураш» манбаси, у билан бирга кескин ривожланиш ҳам мавжуд эмас.

Л. В. Бетховен ўзининг сонаталарида рондо шаклига ҳам кўп янгиликлар киритди. Унинг сонатасидаги классик рондосида – қисмлар иириклишди. Рефрен оддий икки ёки оддий уч қисмли баъзан даврия шаклида ёзилган. Тематик контраст охирига қараб кучаяди. Тоналликлар дастури(режаси) канонизациялашади(TDTST). Эпизоддан рефренга боғловчи бўлимлар орқали ўтилади. Шакл яратилишида хотимани ёки хотимани функциясини ўзига олган охирги рефренни аҳамияти кучаяди. Рефренни ўзгартирилган такори – жўшқинлаштириш омили ҳисобланган. Эпизодларни бири ривожлов билан алмаштирилган. Асосий жўшқинлаштириш омиллари эпизодлар билан боғлиқ бўлган.

Қиска қилиб айтганда, Бетховеннинг 5 қисмли рондога киритган янгиликларни (шаклни өтуклиги, интенсив ялпи ривожлантириш билан тўлалиги, контрастларни ёрқинлиги) шаклни симфонизацияси деб таърифлаш мумкин. Мана шу жиҳатлар «Патетик соната»нинг учинчи қисмida ҳам бевосита қўлланилган.

«Патетик соната»нинг учинчи қисми, финал рондо-соната шаклида ёзилган. Асосий мавзу (рефрен) бу ерда турт маротаба такрорланади. Айнан рефрен бутун қисм характерини белгилаб беради.

Бу лирик, хаяжонли мавзу узининг характери ва куй шакли буйича биринчи кисмнинг ёрдамчи партиясига якин туради. У хам кутаринки, юксак кайфиятда, аммо нисбатан вазминроқдир.

Рефрен иккита бошка мавзу, яъни эпизод билан алмашинади. Улардан биринчиси (ёрдамчи партия) жуда харакатчан, у ми-бемоль мажорда баён этилган. Бу ривожловни урнида кулланилган лавхадир(эпизод).

Иккинчи эпизодда полифоник ривожлов элементлари учрайди. У ля-бемоль мажор тоналлигига бошланиб, ми- бемоль мажор тоналлигига утади.

Финал, у билан бирга бутун соната хам кода билан якунланади. Биринчи кисм кайфиятига якин булган кудратли, ифодали мусика садоланади. Лекин соната биринчи кисми мавзуларининг шиддатли бу ерда мардонаворлик ва матонатли ифодаловчи баркарор куй охангларига урнини бушатиб беради.

Бетховен саккизинчи сонатасида илк бор вазмин мукаддимани биринчи кисм соната аллегроси ва финал рондоси билан оханг(мотив) жихатдан бирлаштиради. Туркумнинг биринчи ва финал кисмларини бундай охангли бирлаштирилиши асар асосий образларининг узвий равишда ривожлантиришга имконият яратиб беради.

«Катта патетик соната» сарлавҳаси сонатанинг учала қисмига ҳам тегишли бўлса-да, «юксаклик» ҳар бир қисмда турлича ифодаланади. Соната замондошлар томонидан дадил, кураш мавзусини ифодалаган ёрқин асар сифатида кутиб олинган эди. Сонатанинг мусиқаси ва унинг ривожланиши Йозеф Гайдн ва В. А. Моцарт сонаталарига қараганда тубдан ўзига хос ҳамда кўп янгиликларни узида мужассамлаштирган. Аввало, мусиканинг характери бошкача тус олди, у инсоннинг янада чукуррок, мухимрок уй-фикрлари, хистуйгулари ва кечинмаларини ифодалади. Айникса, биринчи кисмдаги кескин, зиддиятли мавзуларнинг таккосланиши замондошлари яратган сонаталарга нисбатан фарқ килади. Мавзуларнинг зиддиятли таккосланиши, кейин эса уларнинг «тукнашуви», «кураши» мусикага драматик характер бахш этади. Мусиканинг янада купрок кескинлашуви товуш кучининг кучайиши, техниканинг кенгайиши ва мураккаблашувига олиб келди. Сонатанинг айрим жойларида фортепиано гуё оркестр каби садоланади. «Патетик соната» Й. Гайдн ва В. А. Моцарт сонаталарига нисбатан каттарок ҳажмли ва уларга қараганда узоқрок давом этади.

Хулоса қилиб айтганда, Бетховен жаҳон мусиқаси тарихида XVIIIаср инқилобий демократик ғояларни, ҳалқнинг озодлиги, ватанпарварлик мавзусини мусиқада энг ёрқин ифодалаган ижодкор сифатида танилди. У барча илғор ва прогрессив воқеаларга ўта сезирлик билан муносабатда бўлди. Бетховен асарларидаги улкан куч ва мислсиз даражадаги кенг кўламлилик нағислик ва гўзаллик билан тараннум этилди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:**

- 1 В. Галацкая «Музыкальная литература зарубежных стран» Музыка, 2004.
- 2 М. Шорникова «Развитие Западно-европейской музыки» Ростов-на-Дону, 2013.
- 3 И. Прохорова «Музыкальная литература зарубежных стран» Музыка, 1986.
- 3 В. Владимиров, А. Лагутин «Музыкальная литература» Музыка, 1971.